



“БАЛОҒАТ ИЛМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, АРАБ
ТИЛИ ВА УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

С.С.Абдуллаев

ф.ф.н., доц. “Ал-Фраганус” университети “Шарқ
филологияси” кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ: Мақола “балогат илми” ва унинг таркибига кирувчи фасоҳат, маъоний, баён ва бадий илмлари, уларнинг маъно имкониятлари ва айрим қоидаларнинг ишлатилиши борасида илмий қиёсий таҳлилга бағишланади. Маълумки, замонавий ўзбек тилининг бу борадаги имкониятлари тўғрисидаги илмий таҳлиллари араб тили даражасида мўл бўлмасада-да лекин бу борада ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширган. Жумладан, олим Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” асари шундай мукамал асарлар сирасига киради. Аммо мақолада бевосита араб тили ва унинг бадий имкониятлари шарҳ қилиниб, айрим қоидалар ва уларнинг қўлланилиши масалаларига бағишланган. Мавзуни ёритишда, ўзбек ва араб тилшунос ва адабиётшунослар илмий асарлари ва бошқа илмий манбалардан истифода этилди.

Калит сўз ва иборалар: Навоий, “Муҳокаматул-луғатайн, маъоний, баён, балогат илми.

Маълумки, бугунги ўзбек тилининг бадий имкониятлари илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Бу борада туркий тиллар орасида ўзбек тили ўзининг таркибий ва бадий салоҳияти билан бошқа турли тиллар жозибасию жилосига ўз ҳиссасини қўшиб келган. Бу борада Ҳазрат Навоий “Муҳокаматул-луғатайн” асарида туркий (ўзбек) тилининг бошқа тиллардан кам эмаслигини таъкидлайди[1:9]. Навоий яшаган даврда араб тили – дин тили, ислом тили бўлгани баробарида бошқа тилларни араб тили мақомидан улуғ баҳолаш тўғри саналмаган. Балки шу сабабдан ҳам “Муҳокаматул-луғатайн асари” асарида асосан форс ва ўзбек тили имкониятлари қиёсланиб, ўзбек тилининг мақоми араб ёки форс тилларидан кам эмаслиги, балки айрим жиҳатлар билан тақомилига етгани моҳирона изоҳланган. Бу борада бевосита тилнинг ички – структуравий имкониятлари билан биргаликда, бадий жиҳатлари ҳам изоҳланган. Аммо, таъкидлаш ўринлики, бу борада араб тилининг мақоми юқорида айтганимиздек, диний жиҳатдан улуғлиги эътироф этилши зарурий эди. Шу сабабдан, араб тили бадий имкониятларини очиб берувчи **маъоний, баён ва бадий илмлари борасида маълумотларни** тилга олар экан, туркий (ўзбек) тилида ҳам айна шу жиҳатларнинг вазиятини келтириб ўтади.

Аввало, бир маиший (илмий эмас!) фикрни келтириб ўтсак, биламизки, ўзбек тилида араб тилидан ўзлашган (албатта, бундай ўзлашган сўзлар ҳажми катта. Бунда сўзларнинг қўлланилиши билан маъно торайиши ёки кенгайиши масалалри ҳам бор)



сўзлар кўп ва улар орасида мавзуимиздаги асосий атама “Балоғат илми”даги “балоғат сўзи”. Аниқки, “балоғат” сўзи тилимизда етуклик маъносини ҳам англатади:

БАЛОҒАТ “بلاغة” [балоғат] — вояга етиш, бўйига етиш; етуклик] 1 жисмоний жиҳатдан етилганлик, болиғлик. Балоғат ёши. Балоғатга етмоқ. Қизик, балоғатга етган қиз муҳаббатни эмас, муҳаббатнинг ўзи уни излаб топади, деганлари рост экан. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. Назиранинг ҳарир кўйлаги баданларига ёпишиб, унинг балоғат таровати ёғилиб турган бор қоматини кўз-кўз этарди. Д. Нурий, Осмон устун. 2 кўчма Ақидавий ва маънавий жиҳатдан етуклик, камолот. Ҳозирги замон фани ва унга муносабат олимнинг дунёқараши, идеали ва маънавий балоғати билан чамбарчас боғлиқ. «Фан ва турмуш». Сапар — балоғат палласига кириб бораётган ижодкор. Газетадан [10:152].

Лекин бу сўз илм сифатида ўзгача маънони касб этиши маълум. Бу бевосита араб тилининг ўзига хос нозик қирралари билан қизиқувчи кенг омма ва “умумий тилшунослик”, “стилистика”, “адабиётшунослик”, “нутқ маданияти” ва бошқа фанларни маълум маънода ўз ичига олувчи илмдир.

Асосий қисм: Араб тили Осиё ва Африка қитъасидаги қарийиб 450 миллиондан ортиқ аҳоли гаплашадиган халқаро тилдир. Шу сабабдан ҳам бу тилни ўрганишга бўлган қизиқиш, аксар қисми мусулмонлардан иборат бўлган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистонда ҳам ўзга яраша юқори даражада. Айниқса, Янги Ўзбекистон иккинчи маъмурият даврида халқаро муносабатлар, айниқса араб дунёси билан ўрнатилаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий-тадқиқот соҳасидаги алоқалар тараққиётида араб адабиёти тили ва адабиётини ўрганишда Балоғат илмининг ўзига хос ўрни бор.

Маълумки, Ўрта асрларда, барча мусулмон дунёсида араб тили илм тили вазифасини ўтаган. Абдул Малик ибн Марвон (عبدالمك بن مروان) – уммавий халифаларнинг 5-си (646-705) даврида араб тили, ислом кириб бораган барча ҳудудларда асосий бошқарув ва ёзишма тили сифатида қабул қилинган[6:43]. Европада 15-17 асрлар оралиғида араб тилини билиш алоҳида интелектдан дарак берган. Бу тилнинг луғат бойлиги, тил қоидаларининг мукаммал ва бетакрорлиги, бир сўзни бир неча услубда ишлатиш имкониятларининг кўплиги билан тиллар ичида ажралиб туради. Балки, шеваларининг жуда кўплиги билан ҳам дунёда юқори ўринни эгаллайди. Ва шу сабабдан ҳам нутқ маданияти, сўзни гўзал ифодалаш имкониятлари катта.

Маълумки, нутқ маданияти тилнинг ижтимоийлик вазифасини бажариш даражасини белгиловчи омиллардан бири аниқроқ айтсак, асосийси ҳисобланади. Умуман жамият ва тил параллел равишда ривожланувчи ҳодисалардир. Гап нутқ маданияти ҳақида борар экан, бу қадимдан эътибор берилган илмлар сирасига киради. Қадимги Рим ва Грецияда шаклланган услуб ва услубият борасидаги илмлар асрлар давомида ўрганиб келинади ва ҳанузгача ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Нотиқлик санъати тажрибаси тўғрисидаги илк билимлар антик давр



мутафаккирларигача Қадимки Миср, Бобил, Ҳиндистон ва Ҳитойда таълимот сифатида мавжуд бўлган.

Халқда “оз ва соз сўзла” деган гап бор. Яъни киши сўзлаётган сўзида мантиқ ва маъно уйғунлиги бўлсагина, кўзлаган мақсадига мавжуд имкониятида эришади. Қадим Турон заминда, аниқроғи она тилимизда мантиқий изчиллик илмлари ривожланишига ислом дини, хусусан Қуръон илмлари, аниқроқ айтадиган бўлсак, араб тилининг таъсири бўлганлигини эътироф этиш лозим.

Мумтоз араб тилининг юксак бадиий чўққиси, шубҳасиз, Қуръони каримдир. Бу илоҳий манба нозил бўлмасидан илгари ҳам араблар, айниқса, Ҳижоз (Арабистон ярим ороли) аҳолиси ўзларининг сўзамолликлари ва чиройли нутқи билан машҳур бўлган. Буни исломгача – жоҳилият даври араб шоирлари шеърларидаги ва носирларнинг асарларидаги бадиий тасвир воситаларидан ҳам англаш мумкин. Қуръони карим эса, арабларга ўша пайтгача маълум бўлган усул ва жанрлардан фарқли ва бетакрор тарзда нозил бўлди. Унинг бадиияти, сўзларининг фасоҳати, жумлаларининг балоғати ва энг асосийси, маънавий моҳиятининг ўзгармас ҳақиқати олдида араблар сўзамоллари том маънода таслим бўлдилар.

Шуниси ажабланарлики, араблар сўзга нақадар эътиборли бўлганлари билан Ислом келгунга қадар тил қонуниятларини жамлаган биронта грамматик асар ёзилмаган. Қуръон нозил бўлгач эса, ислом дини араб бўлмаганлар томонидан ҳам қабул қилингач, араб тилини ўрганиш ва ўргатишга бўлган эҳтиёж кескин ортди. Шубҳасиз, бу эҳтиёж грамматика қоидаларини ишлаб чиқишни тақазо этди. Биринчи араб наҳви бўйича тилга олинадиган ва бизгача етиб келмаган наҳв қоидалари китоби борасида Ибн Асвад ад-Дувалий¹³⁵ исми тилга олинади.

Аммо Қуръони каримнинг бетакрор бадиияти ва сўзлари маъносини англаш учун араб тили грамматикасининг ўзи етарли эмас эди. Бунинг учун араблар “Балоғат” илмига асос солдилар. Айни шу илм асосида сўзларни ўз ўрнида ва кўп маъноли ишлатиш қоидалари такомиллашиб борди. Ушбу илмнинг бирламчи асоси сўзсиз Қуръони карим бўлди. Чунки, Қуръон илоҳий калом ва ислом таълимотига кўра, ҳар қандай хатоликдан холи манбадир. Қолаверса, Пайғамбаримиз Муҳаммад (саллаллоҳи алайҳи ва саллам) ҳадислари ҳам мазкур илм ривожига иккинчи асос вазифасини ўтади.

Бу борада илк бора Ал-Жоҳиз “Кита:б ал-байа:н ва т-табйин”¹³⁶ асарида маълумот бериб ўтади. Албатта, жоҳилият даври шоирлари ёзган қасидалар ҳам оғзаки тарзда етиб келган бўлиб, уларда ҳам кўплаб балоғат илмига алоқадор жиҳатлар мавжуд бўлган. Шу сабабдан ҳам Аббосий халифалар даврида Бағдод шаҳрида ташкил қилинган (“بيت الحكمة”) “Байтул-ҳикма” котиблари томонидан жоҳилият даври шеърлари жамланди (бунгача аждоддан авлодга оғзаки тарзда етиб келган) ва унга

¹³⁵Ибн Асвад ад-Дувалий (в. 688) илк араб грамматикаси қоидаларини ёзиб чиққан котиб. У бу ишни Али ибн Толиб кўрсатмаси билан амалга оширган (С.А).

¹³⁶Ал-Жоҳиз. “Кита:б ал-байа:н ва т-табйин.



(“معلقات”) “Муаллақот”¹³⁷, деб ном бердилар. Лекин шу билан бир қаторда, мазкур шеърларнинг баъзи ўринларида балоғат илми қоидаларига зид келувчи нуқталар ҳам бор эканини олимлар аниқлаганларини унутмаслик лозим.

Балоғат илмини ўрганиш орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар маъноларини тўғри тушуниш ва нозикликларини теран англаш осонроқ амалга ошди. Аммо, балоғат илмининг манфаати бу билан чекланиб қолмайди. Воизларнинг нутқларидаги таъсирчанлик, махсус ёзишмалардаги услублар, оғзаки фикрни ихчам ва аниқ ифодалаш ва шунга ўхшаш қоидалари билан маъоний, баён ва бадиъ илмларига ҳам асос солиндики, улар сўзсиз “Балоғат илми” таркибидан ўрин олди.

Қуръони каримнинг кишини лол қолдирувчи фасоҳати унинг илоҳий мўъжиза эканини исботлайди. Шундай экан, Қуръони карим тафсири, ҳадиси шарифлар шарҳи ва шариат китобларини ўрганмоқчи бўлган киши луғат, сарф ва наҳв илмлари билан бир қаторда балоғат илмини ҳам пухта эгаллаши талаб этилади. Шунингдек, мумтоз адабиётимиз дурдоналари ҳисобланган шеър ва ғазалларда ҳам мажоз, ташбеҳ, истиора, киноя каби балоғат илми қоидаларидан кенг фойдаланилган. Демак, буюк аждодларимиздан қолган бой адабий меросимизни тўғри ва чуқур ўрганиб бошқаларга ҳам етказишимизда балоғат илми ва унинг таркибидаги илми бадиънинг ўрни ўзига хос.

Маълумки, араб тили анча қадим илдизларга эга. Бундан ташқари, жаҳон динларидан бири бўлган ислом дини манбалари айтиши мана шу тилда эканлиги унинг энг нозик қирраларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни орттиради. Таъкидлаш лозимки, сўнгги ярим аср оралиғида диндан ғараз ниятда фойдаланаётган экстремистик оқимлар ислом манбаларидаги матнларни ўз билганларича, баъзан эса, бузиб талқин қилишга уриниб келмоқдалар. Бундан беҳабар ёшлар эса, уларнинг фикрини ҳақиқат деб ҳисоблаб, нотўғри йўлларга эргашиб кетдилар. Бу йўлнинг нотўғри эканини англаганларида эса, анча кеч бўлди. Экстремист ва террористлар хуружи нафақат дунё мамлакатлари, балки бизнинг Ватанимизда ҳам ноҳақ қурбонлар бўлишига сабаб бўлганини афсус билан эътироф қиламиз. Бу ҳаммаси, аввало диний манба тили бўлган араб тилини билмасдан, кўр-кўрона ғараз ниятли гуруҳларнинг фикрига эргашиб кетишнинг оқибатидир.

Шунинг учун ҳам араб тилини ўзига хос хусусиятларини очиқ берувчи ана шундай тадқиқотларни амалга ошириш давримиз тақазосидир.

Модомики, тил одамлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишда асосий восита ҳисобланар экан, тил қонун-қоидалари, айниқса сўзловчи ва тингловчи ҳолати ва муносабатларини англатувчи қоидаларни тадқиқ этиш зарурати ҳеч қачон долзарблик рутбасидан мосуво бўлмайди.

¹³⁷ Муаллақот. Жоҳилият – исломгача давр Арабистон ярим оролида яшаб ўтган шоирларнинг сараланган қасидалари мажмуаси. Аббосий халифалар даврида оғзаки тарзда етиб келган ушбу асарлар ягона тўпلامга киритилган (С.А.).



Шу ўринда Балоғат илмига ўз ҳиссасини қўшган айрим олимлар ва уларнинг асарлари ҳақида маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Балоғат илми бўйича ҳижратнинг II асридан бошлаб китоблар битила бошлангани маълум. Баён илми ҳақида ёзилган Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанний ал-Басрий (вафоти 206 ҳижрий) "Мажозул-Қуръон" китобини илк Балоғат илмига оид асар дейиш мумкин.

Илми маоний борасида Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жохиз (вафоти 255 ҳижрий) "ал-Баён ват-табйин" ва "Иъжозул-Қуръон" номли китоблари машҳур. Ундан кейин манбаларда Абу Аббос ал-Мубарраднинг "ал-Комил" асари, Ибн Қутайбанинг "аш-Шеър ваш-шуаро" китоби зикр қилинади.

Балоғатнинг бадиъ илми бўйича биринчи бўлиб асар ёзган олим халифа Абдуллох ибн ал-Муътазз ибн ал-Мутаваккил ал-Аббосийдир (в. 296 ҳ.). У гап беазаги, яъни бадиий тасвир воситаларини чуқур ўрганиб, улардан ўн еттитасини ўзининг "ал-Бадиъ" асарида келтириб ўтган. Кейинги асрларда ҳар бир олим бу илмни ривожлантирди. Абу Ҳилол ал-Аскарийнинг "Ас-Саноъатайн" китоби, ибн Рашиднинг "ал-Умда", буюк ўтмишдошимиз Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий "ал-Кашшоф" асарини шулар қаторига киритиш мумкин. Имом Абдулқоҳир ибн Абдуррахмон ал-Журжоний (в.471 ҳ.) таълиф этган "Далоилул-иъжоз" ва "Асрорул-балоға" асарлари Балоғат илмининг барча соҳаларини қамраб олгани билан машҳурлик топган. Абу Яъқуб Юсуф ас-Саккокийнинг (в. 626 ҳ.) "Мифтоҳул-улум" асари балоғат илмини таснифлаш ва бир тизимга келтиришдаги муҳим манба ҳисобланади.

Кейинги даврда ёзилган асарлар эса аввалги асрларда битилган китобларнинг шарҳи ва ҳошияси ҳисобланади.

Балоғат сўзи [балаға] – (*етмоқ*), маъносида бўлиб, [вусу:л] – (*етишмоқ*), [интиҳа:] – (*охирига етмоқ*) сўзлари билан маънодошдир[4:102]. Жумладан, بلغ فلان مراده [балаға фулану мура:даху] – “*фалончи муродига етибди*”, дегани каби. Балоғатга яна луғатларда – риторика (rhetoric) – “*нотиқлик санъати назарияси*”; красноречивость – (eloquence) – “*сўзамоллик*” каби маънолар берилган[11:127].

Балоғат илми ўзбек тилшунослигида шу ном билан номланиб келинган. Бироқ, Марказий Осиё халқлари рус мустамлакасига айлангач, айниқса, собиқ шўролар даврида миллий тилларнинг грамматик тузилмаси рус тилидан андоза олиб ишлаб чиқилгани учун ҳам, айрим масалаларнинг моҳияти ўзгарган. Жумладан, тилшуносликдаги “стилистика” кўп жихатлари билан “балоғат илми” билан ўхшашиб кетади. Бундан ташқари, рус тилшунослиги ва адабиётшунослигидан бир оз фарқли бўлган “адабиёт назарияси”да “балоғат илми” ва унинг таркибидаги “маъоний” ва “баён” илмлари мундарижасидаги масалалар қамраб олинган. Фикримизни далили сифатида, рус тилшуноси В.Виноградовнинг стилистикага берган қуйидаги таърифини келтирамиз:

“Стилистика является своего рода вершиной исследования языка, теоретической основой развития национальной речевой культуры”[10:169].



Холбуки, “балоғат илми”нинг ўзи ҳам араб тилининг юқори чўққиси ҳисобланади. Бошқа бир тилшунос олим И.В.Арнольднинг фикрича, “Стилистикой называется отрасль лингвистики, исследующая принципы и эффект выбора и использования лексических, грамматических, фонетических и вообще языковых средств для передачи мысли и эмоции в разных условиях общения”[1:17].

Олимнинг фикридан шу нарса равшанлашмоқдаки, стилистика турли ҳолатларда сўзловчи томонидан фикрни ифодалаш жараёнида тил воситаларини тўғри қўллаш масалаларини ўрганувчи фан экан. Таъкидлаш зарурати борки, балоғат илми ҳам айни ушбу масалага эътибор қаратади. Жумладан, сўзловчининг балоғати деган тушунчага шундай таъриф берилади:

“Балоғат сўзловчига хос бўлган малака (иқтидор) ҳисобланиб, у нима мақсадни, қай ҳолатда етказмоқчи бўлса, шундай тўғри етказиши эътиборидир”[11:3].

Тилшунос олим Р.А.Будагов стилистикага мана бундай таъриф беради: “Стилистика душа любого развитого языка. Поэтому ей должно принадлежать важное место, как в науке о языке, так и в науке о художественной литературе”[4:75].

Ю.С.Степановнинг фикрича: “В настоящее время исследование национальной культуры, языка и психологии стало гораздо определены и конкретны именно благодаря появлению стилистики, как особой отрасли языкознания”[7:35].

Шундай экан, балоғат илмини ўрганаётган толибдан араб тилини, сарф, нахв, маъоний ва баён илмини яхши билиши билан бигаликда завқи (диди) ҳам саломат бўлиши талаб этилади. Ана шунда у арабий сўзларни қандай қўлланишини идрок қила билади.

ХУЛОСА

1. “Балоғат илми” ва унинг таркибига кирувчи “маъоний”, “баён”, “бадиъ” илмлари араб тилида сўзлашувчи халқларнинг сўзлашув маданиятида катта аҳамият касб этди.

2. Ўрта асрлардан бери ҳозирга қадар ҳам араб тилнинг стилистикаси умумий лингвистиканинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшиб келади.

3. Сўзловчи ва тингловчи ҳолатидан келиб чиқувчи ҳиссий вазиятларни баён этиш ва сўзлаганда тингловчи ҳолатларини эътиборга олиш ва шу билан биргаликда ўз ҳиссиётларини намоёиш эта олиш муҳим жиҳатлар ҳисобланади.

4. Мужмаллик бирон гап бўлагининг олдин ёки кейин келиши ёки ажралиб қолишига ўхшаш лафзий бўлиши мумкин. Уни лафзий таъкийд, дейилади.

5. Сўзловчининг фасоҳати қандай мақсадда бўлишидан қатъий назар, жумладаги мақсадни ифодалашда фасоҳат эътибори билан тузиш иқтидори, малакасидир.

6. Ҳол бу мақомдир, у мутакаллимнинг ҳолати – мақоми бўлиб, ундан махсус бир суратдаги иборалар танлашни талаб қиладиган иш ҳисобланади.

7. Балоғат илмини ўрганаётган кишида араб тилини, сарф, нахв қоидалари, маъоний ва баён илмини яхши билиши билан бигаликда иски бир дид бўлиши муҳимдир.



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Ан-Наъийм”. Арабча – ўзбекча луғат. Тошкент. 2007.
2. Арнольд, И.В. «Стилистика современного английского языка». Москва. 1990.
3. Будагов, Р.А. Литературные языки и языковые стили. М.: 1967. Б. 17.
4. Виноградов, В.В. «Проблемы русской стилистики». Москва. 1981.
5. Навоий “Муҳокаматул-луғатайн”
6. [Осипов](#), Ю. С. Большая российская энциклопедия, 2005. — С. 16. / гл. ред. 2004-2017, т. 1.
7. Расулов, И. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи. 1983. Б.
8. Степанов, Ю.С. Французская стилистика. М.: 2009. Б. 4.
9. The Oxford Russian Minidictionary. Oxford. 1995.; Русча – Ўзбекча луғат. Москва. 1954.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.
11. 2017. حفني أفندي ناصف والخ. دروس البلاغة. اسطمبول.